



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТУЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эшонқулов Азамат Абдирахимович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ТДИУ «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси ассистенти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a36

Аннотация. Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектларда консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий асослари бўйича таклифлар ва муаммолар ҳақида сўз боради.

Таянч тушунчалар: МХХС, БХХС, консолидация, ҳисобот, шўъба корхоналар.

СОСТАВЛЕНИЕ КОНСОЛИДИРОВАННОЙ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Эшонқулов Азамат Абдирахимович -

Ташкентский государственный экономический университет

Ассистент кафедры "Бухгалтерский учет" ТГЭУ

Аннотация. В данной статье рассматриваются предложения и проблемы по теоретическим основам сводной финансовой отчетности в хозяйствующих субъектах.

Основные понятия: МСФО, МСБУ, консолидация, отчет, дочерние предприятия.

THE COMPILATION OF CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS IN ECONOMIC ENTITIES WAYS OF IMPROVEMENT

Eshonkulov Azamat Abdirakhimovich -

Tashkent State Economic University

Assistant of the department "accounting" TSUE

Annotation. This article discusses the proposals and challenges on the theoretical foundations of consolidated financial reporting in business entities.

Basic concepts: IFRS, IAS, consolidation, report, subsidiaries.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-февралда "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ4611-сон Қарори қабул қилинди[1]. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга трансформация қилиниш жараёнларини жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот ҳамда маълумотлар билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йилдан бошлаб, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (МХХС) асосида юритишни ташкил этишди ва 2021-йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тайёрлайди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунли жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг

кучайиб боришидир. Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг мавжудлиги, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир жиҳати – жаҳоннинг бир мамлақатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади.

Ишбилармонлик муносабатларида самарали фаолият зарурати натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи, бозорда давом этаётган рақобат, кўп жиҳатдан йирик компанияларнинг ташкил қилиниши ва улар томонидан тузилган молиявий ҳисоботларини ҳаққоний ва шаффофлигини таъминлаш ўта муҳим масалалардан биридир. Иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда компания-

ларнинг узоқ муддатли доимий иш фаолиятини олиб бориш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига эришиш муҳим масалалардан биридир.

Адабиётлар шарҳи. Ж.Д.Списеланд ва бошқалар «молиявий ҳисобот – ташқи ахборот фойдаланувчиларга молиявий стейтментлар ахборотларини таъминлаб бериш жараёнидир»[8] деб таърифлайди. Худди шунингдек, Д.Алихантер молиявий ҳисобот бизнес ташкилоти ҳақидаги ахборотларни менежмент функциясида ташқарида бўлган кишиларга таъминлашни эътироф этишади[9].

Р.Ҳ.Ҳермансон ва бошқалар «Молиявий стейтментлар бухгалтерия ҳисоби жараёнининг охириги якуний маҳсулоти бўлиб, ички – менежментларни - ҳамда компаниядан ташқаридаги – кредиторлар, таъсисчилар ва бошқа қизиқувчи томонларни - уйғун ва ишончли ахборотлар билан таъминлайди»[10] деб таъриф келтиришган.

Иқтисодчи олим С.С.Насретдиновнинг илмий ишида: “Халқаро амалиётда консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг учта асосий босқичи мавжуд. Бунда, ҳар бир мамлакат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти талабларига асосланган ҳолда ўзининг хусусиятларидан келиб чиқиб, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузилмасининг ишлаб чиқиш имконига эга. Шу сабабли, деярли кўпчилик мамлакатларда ваколатли органлар ёки вазирликлар томонидан ишлаб чиқиладиган молиявий ҳисобот тузилмаси мавжуд”[6].

С.В.Модеров ўзининг диссертациясида консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг пайдо бўлиши, АҚШда саноат инқилоби бошланиши билан боғлиқлиги тўғрисида таъкидлаб ўтган. Ушбу олим изланиши корпорациялар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритилишига олиб келди, натижада холдинг тузилмаларини ташкил этишга имконият яратилди [14].

В. В.Ковалев, Вит.В.Ковалев томонидан «1965 йилда Германияда бухгалтерия ҳисоби қоидаларида мустаҳкамланган ва бирлаштиришга бўлган ёндашуви Англия ва Америка ёндашувларидан сезиларли фарқ қилди»[15].

Профессор Я.В.Соколов «молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бухгалтерларнинг назарий фикрлари учун XX аср охиридаги ажойиб ёдгорликдир»[16].

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар» номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ, гуруҳ асосий компания ва унинг шўъба корхоналари ҳисобланади. Иккинчидан, «гуруҳ»ни шакллантириш «назорат қилиш» тамойилига асосланади, унинг мезонларига риоя қилиш, шунингдек, айрим компанияларни консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритиш учун зарурдир[11].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, монографик кузатиш усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида гуруҳнинг натижаларини акс эттирувчи консолидациялашган ҳисоботларни тайёрлашда назоратнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан 10-сон «Консолидациялашган молиявий ҳисобот» номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти қоидаларининг амалий қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади.

10-сонли “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” деб номланган МҲҲС асосида компания бир ёки бир нечта жамиятни назорат қилганда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва уни тузиш принципларини ишлаб чиқиши лозим. Амалдаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий ҳисоботларни консолидациялаш масалалари барча стандартларни қамраб олади, аммо, қуйидаги стандартлар бевосита молиявий ҳисоботларни консолидациялаш билан боғлиқ ҳисобланади.

1-жадвал

Молиявий ҳисоботларни консолидациялаш билан боғлиқ бўлган МҲҲС ва БҲҲСлар рўйхати

СТАНДАРТ НОМЕРИ	СТАНДАРТ НОМИ
3-сон МҲҲС	“Бизнесни бирлаштириш”
9-сон МҲҲС	“Молиявий инструментлар”
10-сон МҲҲС	“Консолидациялашган молиявий ҳисобот”
11-сон МҲҲС	“Қўшма фаолият”
12-сон МҲҲС	“Бошқа компанияларга қатнашиш ҳиссаси тўғрисидаги ахборотларни очиқлаш”;
1-сон БҲҲС	“Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”
24-сон БҲҲС	“Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш”
27-сон БҲҲС	“Алоҳида молиявий ҳисобот”
28-сон БҲҲС	“Ассоциациялашган компанияларга инвестициялар ва қўшма корхоналар”
29-сон БҲҲС	“Гиперинфляцияли иқтисодийётларда молиявий ҳисобот бериш”
34-сон БҲҲС	“Оралик молиявий ҳисоботлар”
39-сон БҲҲС	“Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди

Консолидациялашган молиявий ҳисобот 10-сонли МҲХСга мувофиқ – ушбу гуруҳнинг молиявий ҳисоботи бўлиб, унда Бош компания ва унинг шўба корхоналарининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари, харажатлари ва пул маблағлари оқимини бир жамиятнинг иқтисодий молия-хўжалик фаолияти сифатида ушбу маблағлар ва уларнинг манбалари бўйича умумлаштирилади.

Ушбу халқаро стандартда бош компанияга - бир ёки бир нечта корхоналарни назорат қилувчи, шўба корхона эса - хўжалик юритувчи субъект, хусусан, корпоратив бўлмаган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади, масалан, бошқа бир субъект фаолиятини назорат қилувчи шерикчилик (бош корхона). Бунда бош компания шўба корхоналар ахборотларини қўшиб, умумлаштирган ҳолда консолидациялашган молиявий ҳисобот тузади.

Шунингдек, бугунги кунда қабул қилинган “ҳақиқий” назорат тушунчасининг моҳияти ҳам шундадир.

“Назорат” атамасини шарҳлашнинг ўзига хослиги назорат қилиш принципини таърифлайди ва назорат қилишни консолидациялаш учун муҳим масалалардан биридир. Бошқариш концепцияси (шу жумладан: унинг мавжудлиги ёки йўқлигини тан олиш мезонлари) ушбу даврда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) 3-сонли “Бизнесни бирлаштириш” номли ва (IFRS) 10-сонли “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” номли стандартлар бирига боғлиқдир.

10-сонли “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” номли МҲХС 2011 йил май ойида нашр этирилган бўлиб, “компания битта ёки бир нечта компанияни назорат қилганда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш принципларини белгилайди”[2].

Ушбу стандартга кўра, “Ҳимоя ҳуқуқлари” атамаси ҳам мавжуд, бу – бошқарув ҳуқуқларга эга бўлган томонларнинг иштирокчиси сифатидаги улушини мазкур томонга ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган ташкилотларга нисбатан ваколат бермасдан ҳимоя қилишдан иборат бўлган ҳуқуқлардир. Шу билан бирга “Ҳақиқий қиймат” тушунчасини ҳам келтириб ўтишимиз керак, бунда, ҳақиқий қиймат бу – баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатий операцияларда активларни сотишдан олинган даромад ёки мажбуриятларини ўтказишда тўла ниши мумкин бўлган нархдир”[3].

Жамиятлар гуруҳининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини тайёрлаш. Гуруҳнинг консолидациялашган молиявий жадвалларни, ушбу гуруҳни ташкил этувчи бири бири билан боғлиқ бўлган ташкилотлар билан қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга соли-

надиган молиявий ҳисоботларни консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асосий тамойилларига мувофиқ амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботларни консолидациялашнинг концептуал асосларига қўйиладиган талабларни давлат ва жамоат секторида амалга оширадиган Халқаро ғазначилик уюшмаси ҳисобланган РЕМПАЛ ташкилоти томонидан қуйидагича изоҳлайди: “Молиявий ҳисоботларни консолидациялаш ғояси жудда оддий. Агар икки ёки ундан ортиқ ташкилот битта умумий назорат остида бирлашган бўлсалар, гуруҳнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ ахборотларга эга бўлиш мақсадида улар битта ташкилотда “гуруҳ” сифатида қаралиши лозим бўлади”. Бунда ҳуқуматларнинг сиёсий иродаси сифатида ўзаро ҳисоб-китобларда “ҳисоблаш усули”га ўтишни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тўртта асосий қадам (амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни қўллаш, кадрлар масаласи ва ахборот технологиялари)ни амалга ошириш лозимлигини таъкидлайдилар[4].

Бизнинг фикримизча, консолидациялашган ҳисоботнинг тузилиши тўғрилигини исботлаш ва тасдиқлаш учун кузатув, активлар ва мажбуриятларни текшириш, маълумотларни тасдиқлаш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, қайта ҳисоблаш, таҳлилий муолажалар каби умумқабул қилинган услуб ва усуллардан фойдаланишлари лозим. Ушбу маълумотларни баҳолай олиш, шунингдек, унинг ишончлилиги ва мослигини текшира билиш қобилияти зарурий шартлардан ҳисобланиши лозим.

Бош ва шўба жамиятлар гуруҳи консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Кўпгина адабиётларда ва олимларнинг илмий ишларида молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувининг босқичлари батафсил келтириб ўтилган бўлиб, лекин, консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича унинг ўзига хос хусусиятлари етарлича очиб берилмаган.

Бизнинг фикримизча иқтисодчи олим С.С.Насретдиновнинг илмий ишида: “Халқаро амалиётда консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг учта асосий босқичи мавжуд.

Бунда, ҳар бир мамлакат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти талабларига асосланган ҳолда ўзининг хусусиятларидан келиб чиқиб, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузилмасининг ишлаб чиқиш имконига эга. Шу сабабли, деярли кўпчилик мамлакатларда ваколатли органлар ёки вазирликлар томонидан ишлаб чиқиладиган молиявий ҳисобот тузилмаси мавжуд”[5] деб фикр мулоҳазаларини келтиради.

Биринчи босқичнинг зарурлиги шундан иборатки, кўпгина ҳолларда, яъни ҳисоб сиёсатида бош ва шўъба корхоналар гуруҳининг барча корхоналар учун ягона бўлган талабларга қарамасдан, уларнинг ҳисоботи турли муддатларда ва турли валютада тузилиши, ўз тузилмаси ва бандларини баҳолаш тартиби бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бунда мавжуд фарқларни ҳисобга олмасдан туриб молиявий ҳисоботларни консолидация қилиш ҳуқуқий талабларига мос келмайди.

Ушбу вазиятда бош ва шўъба корхоналар гуруҳининг муайян корхоналар молиявий ҳисоботини бирлаштириш (ўтиш) ҳисоботини тузиш орқали консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бирлаштириш (ўтиш) ҳисоботининг мақсади бош ва шўъба корхоналар гуруҳининг ҳисоб юритиш сиёсатидан четга чиқиш ҳолатларини бартараф этиш ва уни Бош корхонанинг ҳисоб сиёсати ягона талабларига мувофиқлаштириш лозимлигини англатади.

Иккинчи босқичда, бирлаштирилаётган корхоналар молиявий ҳисоботи горизонтал равишда жамланади. Натижада жамиятлар консолидациялашган молиявий ҳисоботининг тегишли моддалари суммасини ифода этадиган умумлаштирилган баланс юзага келади. Бу босқичда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш тартиби ҳамда унга Бош ва шўъба корхоналар гуруҳининг бирлаштирилиши лозим бўлган барча корхоналар риоя қилиши устидан алоҳида назорат ўрнатилиши лозим. Шу сабабли, ушбу босқич фақат, шўъба ва қўшма корхоналарга тегишли ҳисобланади. Бунда шўъба корхонасининг маълумотлари тўлиқ жамланса, қўшма корхоналар молиявий ҳисоботлари маълумотлари эса, фақат, Бош корхонанинг иштирок этиш улушига мутаносиб равишда жамланади.

Учинчи босқич, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги консолидациялашган ҳисоботни тузишни ўз ичига оладиган бевосита бирлаштиришни ифодалайди. Унинг мақсади Бош ва шўъба корхоналар гуруҳи тўғрисидаги ахборотларни ягона иқтисодий тузилма сифатида тақдим этишдир. Бунинг учун, Бош ва шўъба корхоналар гуруҳи ичидаги муомалалар ва уларнинг натижаларини истисно қилишга йўналтирилган бирлаштиришнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш зарур[7].

Бизнинг фикримизча, ҳисоб сиёсатида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишнинг қуйидаги тартиби ва босқичларини киритиш ҳисоботни сифатли ва шаффоф тузишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз:

биринчи босқич. Бош ва шўъба жамиятларнинг молиявий аҳволи, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисобот, корхонанинг

активлари ва мажбуриятларини ўхшаш кўрсаткичларининг кетма-кетлигини белгилаш;

иккинчи босқич. Бош компаниянинг инвестициялари ва унинг шўъба корхоналарининг устав капиталидаги улушини ўзаро истисно қилиш. Бунда бош компания томонидан ўзини шўъба корхонасининг устав капиталига улуш киритганлиги ҳисобга олинмайди ва консолидациялашган молиявий ҳисоботда кўрсатилмайди;

учинчи босқич. Хўжалик бирлашмасига кирувчи ташкилотлар ўртасида гуруҳлараро ҳисоб-китоблар учун қолдиқлар ва айланма маблағни чиқариб ташлаш. Бу босқичда бош компания ўзининг шўъбаларидаги ва шўъбалар ўртасидаги айланма маблағларни консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритилмайди;

тўртинчи босқич. Ҳисобот даври учун шўъба корхоналарнинг тегишли уставларини ўзгартиришга бош компаниянинг капиталига унинг улушини киритиш. Бунда бош компания йил бошида ўз шўъбаларининг уставини тузишда капитал киритиш миқдорини аниқ кўрсатиб бериш ва ҳисобот йили охиригача у капитални киритилишини назорат қилиш;

бешинчи босқич. Бош компания бошқа бир корхонанинг соф активлари қиймати ва уни сотиб олишдаги бозор баҳоси билан ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқни гудвилл сифатида тан олиш.

олтинчи босқич. Бош компания тўғридан-тўғри ёки билвосита эгалик қилмайдиган улушга тегишли бўлган шўъба корхонанинг соф операция натижалари ва капитал таркибидаги назорат қилинмайдиган акциядорлар улушини ҳисоблаш ва акс эттириш.

Биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларда тавсифланган ҳаракатлар илгари хўжалик бирлашмасининг аъзоси бўлган шўъба корхоналари ва ҳисобот даврида сотиб олинган шўъба корхоналар учун одатий ҳисобланади. Қолган босқичларда қилинган ҳисоб-китоблар ҳисобот даврида сотиб олинган корхоналарга нисбатан қўлланилиши таклиф қилинмоқда.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида сотиб олинган шўъба корхоналарига берилган инвестицияларни ўлчаш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан активлар, капиталлар ва мажбуриятларни аниқлаш ва сотиб олган компания томонидан шартномалар расмийлаштирилиб актив ва мажбуриятларни ҳақиқий қийматини аниқлаб берилиши зарур бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу мақоламизда қуйидаги хулоса ва таклифларни тадбиқ этамиз:

1. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида консолидациялашган молиявий ҳисобот таърифига муаллифлик ёндашуви келти-

рилган бўлиб, бош компания ва унинг таркибига кирувчи гуруҳларнинг молиявий ҳисоботлари, унда бош ва унинг шўъба жамиятларининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари, харажатлари ва пул оқимлари акс эттирилган. Шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг ягона субъектининг пул оқимларини ифодалаб берадиган маълумотлар ҳам акс эттирилган.

2. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишни такомиллаштиришнинг йўналишлари ва унинг кетма-кетлиги асослаб берилган.

3. Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг тузилиши тўғрилигини исботлаш ва тасдиқлаш учун аудиторлар томонидан ўткази-

ладиган усуллар, олинган маълумотларни олдиндан баҳолаш, шунингдек, унинг ишончлилиги ва мослигини текшира билиш қобилияти зарурий шартлардан ҳисобланиши асослаб берилган.

4. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишда ҳисоботни сифатли ва шаффоф тузишга хизмат қиладиган босқичлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

5. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш бош компания ва унинг шўъба корхоналарини молия-ҳўжалик фаолиятини билиш ҳамда ҳисоботнинг мақсади ва вазифалари очиб берилган.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ4611-сон Қарори. Халқ сўзи. 2020йил
2. “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” 10-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти. <http://www.mf.uz>
3. “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” 3-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти. <http://www.mf.uz>
4. Консолидация финансовой отчетности. Казначейское сообщество РЕМПАЛ Тематическая группа по бухгалтерскому учету и отчетности в государственном секторе. 2016., 99 с.
5. Арвачев А.В. Развитие теории и методики аудита консолидированной отчетности: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.12 / Арвачев Александр Викторович. – Воронеж, 2009. – 173 с.
6. Насретдинов С.С. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий масалалари. Ном. дисс. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, 2004 й.
7. Амазов И.Р. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва аудитини такомиллаштириш ном.дисс. 2020й.
8. Spiceland J. David. Intermediate accounting. /J.David Spiceland, James F. Sepe. Mark W. Nelson/ 3 th ed. 2013
9. International Financial Reporting and Analysis, 4- Edition. D. Alexander, A. Britton, A.Jorissen. 2009. 17-p
10. Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 2009. 17 p.
11. International Financial Reporting Standard 10 (IFRS 10) “Consolidated Financial Statements” / International Accounting Standards Board. - London, 2011. А-Б.банди
12. Ш.Т.Эргашева, А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев, И.З. Юлдашева, И.Р.Ибрагимова ўқув қўлланма.
13. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар тўплами. <http://www.accaglobal.com>
14. Модеров С.В. Совместимая финансовая отчетность: логика и техника построения: дис. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук (08.00.12). – СПб, 2013 с.13
15. Ковалев В. В., Ковалев Вит.В. Анализ баланса. – 3-е изд., перераб. и доп. –Москва: Проспект, 2016. –317 с
16. Соколов, Я.В. Судьба международных стандартов финансовой отчетности в России / Я.В. Соколов // Финансы и бизнес. – 2005. № 1. – с. 72.



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a37

МОЛИЯВИЙ ҲИСБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН ҲИСОБ ВА ҲИСБОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Имамова Насиба Музафаровна -
PhD Тошкент молия институти
Бухгалтерия ҳисоби кафедраси

Аннотация: Мазкур мақолада компаниялар консолидациялашган молиявий ҳисоботларини ташкил этиш, тузиш, корхона молиявий ҳисоб маълумотларини бирлаштириш, ҳисоботни шакллантириш жараёни, асосий тамойиллари, молиявий ҳисоботни тузишнинг назарий ва меъёрий ҳуқуқий асослари ёритилган. Шунингдек мақолада компаниялар консолидациялашган молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Консолидациялашган ҳисоб, молиявий ҳисобот халқаро стандартлари, консолидациялашган молиявий ҳисобот, ҳисоб сиёсати.